

7-avgust
2025-yil 31 (1 133)

O'ZLIDEP

QR code

XXR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz @XXlasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxlasrgazetasi XXlasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

МУЛОҚОТ

ХАЛҚ ИШОНЧИННИ ОҚЛАШ КЕРАК!

Бу – оддий аксиома, деймиз. У халқ сайлаган депутатми, ё тайинланган раҳбарми, барибир, одамларни рози қилиш йўлида жонфидо бўлмаса, ишонч қозонолмайди, обрў-эътибор топмайди. Тўғри, истиқлол йилларида улуг ва бунёдкор халқимиз меҳру муҳаббатини қозонишдек машаққатли вазифани шараф билан адо этаётган, жонажон Ватанимиз нуфузини дунёга танитишда фидойилик кўрсатиб келаётган инсонларни ҳар

қанча қадрласак, эъзозласак кам. Шу маънода Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари, яъни парламентдаги йирик фракция аъзолари орасида ҳам сайловчилар ишончини оқлаётганлар кам эмас. Ва асосийси, улар ҳар ойда ҳудудларга, сайлов округларига бориб, юртдошларимизнинг муносабатлари, учраётган муаммоларга ижобий ечим

топишга ҳаракат қилишяпти. Биз ҳам газетамиз саҳифаларида, аввало, парламент аъзолари, қолаверса, маҳаллий кенгаш депутатларининг юртдошларимиз билан кечаётган юзма-юз мулоқотларини баҳоли қудрат ёритмоққа интиляпмиз. Бугун, яна одатдагидек, О'зЛиДеП фракцияси аъзоларидан айримлари иштирокида ўтказилган учрашувлар ҳақида сўз юритамиз.

2

ЯНГИЛИК

БУҒДОЙДАН БЎШАГАН МАЙДОНГА ПАХТА ЭКИШ МУМКИН...МИ?!

Ишонмаяпсизми, рост: Хонқа туманининг Қирқёп қишлоғида фаолият олиб бораётган “Сотима Умрбек кизи” фермер хўжалиги аъзолари таваккал қилиб, тажриба сифатида бугдойдан бўшаган 7.2 гектар майдонга шу йилнинг июнь ойида пахтанинг тезпишар “Равнақ” навини эккан эди!

Интенсив технологиялар тараққий қилган ҳозирги даврда қутилмаган ва ҳатто тасаввуримизга сиғмайдиган янгиликлар барча соҳаларга жадал кириб келаётди. Қишлоқ хўжалиги ҳам бундан мустасно эмас! Эътиборлиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеП фракцияси раҳбари, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси Актам Хайтов тиниб-тинчимайдиган, ҳар қадамида бирор янгиликка қўл урадиган хонқалик пахта усталари бошлаган бу тажри-

бани кўздан кечириб қувонди. Негаки, ҳар йили ҳудуд аҳли чорак асрдан ошдики, бугдойдан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиб, бир мавсумда икки ва ҳатто уч марта ҳосил кўтариш ҳадисини олишди. Айниқса, бундай ерларга шולי кўчатлаш қўшимча томорқа эгалари учун қони фойда бўлмоқда. Ун икки сотих қўшимча томорқадан бир йил беминнат ейишга етадиган бугдой ва яна гуруч олаётган хонадонлар дастурхонлари ҳамиша тўкин.

3



БУГУНГИ СОНДА:

“Uzbekistan GTL” – Янги Ўзбекистон мўъжизаси

Фаол аёллар – маҳалланинг юраги

“Беш минг доллар берсанг, ўчираман” ёхуд тармоқдаги қармоқлар

Яшасин ёмғирлар!

Халқ ишончини оқлаш керак!

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

ЭКСПОРТЧИ ФЕРМЕР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Бахитбай Алдамуратов Нукус туманидаги Токтаў маҳалласи “еттилиги” вакиллари билан учрашди.

Унда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бандликни таъминлаш борасида давлат даражасида қаратилаётган эътибор, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг мурожаатлари, фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

О'zLiDeP фракцияси аъзосининг тумандаги учрашуви 1-сонли умумтаълим мактабида давом этди. Унда депутат сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор, қонунчиликдаги сўнгги янгилликлар, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юртди. Таълим даргоҳида ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, ёшларимизнинг сифатли таълим олиши, етук кадрлар бўлиб етишишида педагог устозларнинг ҳам алоҳида меҳнати борлигини таъкидлади.



Маълумот учун таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ушбу таълим муассасасида 986 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мактаб жамоаси, ўқувчилар ҳам спорт мусобақаларида, айниқса, “Қувноқ” спорт ўйинида бир неча мартаба Ўзбекистон чемпиони бўлгани таъсирга лойиқ.

Депутатнинг кейинги борар манзили 2018 йилдан буён қуёшда қуритилган экологик тоза органик помидор ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошираётган “Биогумус” фермер хўжалиги бўлди. Бугунги кунда бу хўжалиkning 60 гектар майдонида Италиянинг “Сан-Марсано” помидор нави етиштирилмоқда. Йилига 1,2 минг тонна маҳсулот олинади ва 110 тонна қайта ишланган (курук) органик помидор маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Ушбу нав қуритиш учун мўлжалланган бўлиб, Италиядан импорт қилинади ва органик ўғитлар билан бойитилган ерларда етиштирилади. Ушбу нав Оролбўйининг қуруқ ва иссиқ iklim шароитида етиштириш учун қулай. Фермер хўжалигида қайта ишланган маҳсулотлар Ecocert organic стандарти ва ISO 22000:2018 халқаро сифат сертификатларига эга. Айни пайтда қуритилган органик помидор маҳсулотлари Италия ва Франция давлатларига ҳар бир килограмми 5,5-6,2 доллардан экспорт қилинмоқда.

Депутат хўжалик фаолияти билан яқиндан танишар экан, тадбиркорнинг истиқболдаги режа ва мақсадлари, фикр-мулоҳазаларини тинглади.

ФАРҒОНА



МУРОЖААТ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ибрагимова Учқўприк туманидаги Юлғунзор маҳалласи қошидаги “еттилик” фаолиятини ўрганди. Очиқ мулоқот ва савол-жавобларда фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Маҳалла фаоллари ва аҳоли билан мулоқот доамидида ижтимоий ҳимоя, бандлик, коммунал хизматлар ва бошқа соҳалардаги долзарб муаммолар кўтарилди. Мурожаатлар юзасидан жойидаёқ тегишли чоралар кўрилиб, масъул идора вакилларига тавсиялар берилди.

Учрашулар давомидида 38-мактабдан келиб тушган мурожаат жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Масалани бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлиги масъуллари билан ҳамкорликда муҳокамалар ўтказилиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.



Мулоқотлар чоғида Урганжи қишлоғида яшовчи 1-ғуруҳ ногирони Аҳроржон Аҳмадқуловнинг яшаш шароити билан ҳам танишилди. Унинг даволаниши учун ордер олиш бўйича қилган мурожаати жойида ҳал этилди.

ҚАШҚАДАРЁ



ЯККАБОҒДА ЯНГИ ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари 30 июль куни мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўлайитириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида соҳани янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор ташаббусни илгари сурган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наргиза Саломова йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудларда фермер ва деҳқонлар, томорқа эгалари, экспортчи, иссиқхоначи ва мева-сабзавот етиштирувчилар билан мулоқотда бўлиб, мавжуд муаммоларни ўрганди.

Хусусан, Яккабоғ туманидаги “Суркаш” фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Фермерлар томонидан замонавий, самарали ва инновацион ёндашувлар асосида қишлоқ хўжалиги юритилаётганига гувоҳ бўлди.



Сирожиiddин Бердиев раҳбарлик қилаётган хўжалик жами 80 гектар ер майдонида эга. 25 гектарида равақ пахта, ғалладан бўшаган шунча майдонга такрорий экин – мош экилган. Қолган ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

Сарвар Бердиев раҳбарлик қилаётган “Ифора” фермер хўжалиги эса сут ва гўшт етиштиришда илғор. Хўжалиқда 90 бош зотдор йирик шохли қорамол, 120 дан ортиқ қўй ва эчки боқилмоқда. 5 гектар майдонда олма боғи ҳам ташкил этилган. Бу каби хўжаликлар нафақат ички бозоримизнинг барқарорлиги, балки экспорт салоҳиятимизни оширишда ҳам муҳим ўрин тутди.

О'zLiDeP фракцияси аъзоси, шунингдек, Айғиркўл маҳалласида барпо этилаётган янги замонавий истироҳат боғида бўлди. Ушбу ҳудуд узоқ йиллар давомида қаровсиз ҳолатда бўлиб келган, ҳашаротларга тўла янтоқзор эди. Энди бу ерда аҳоли ва меҳмонлар учун муносиб дам олиш маскани яратилади. 10,5 гектар майдонни қамраб олувчи ушбу боғда болалар ўйин майдончалари, яшил зоналар, суْنий ҳавза, очик саҳна, миллий услубдаги фавворалар ва тунги ёритиш тизими барпо этилади. Шунингдек, пивдалар ва велойўлаклар ҳамда автоматлаштирилган суғориш тизими қурилади. Қурилиш ишларининг бир қисми “Hisor qurilish” хусусий корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 2 150 метрга тенг пивдалар йўлаги қурилди, 117 та ёритиш чироқлари ўрнатилди. Туман ҳокими Абдинаби Ғиёсов раҳбарлигида олиб борилаётган мазкур лойиҳа аҳолига қулайлик ва маданий ҳордиқ чиқариш имконини яратди.

ХОРАЗМ



ҚУЁШДАН ЭНЕРГИЯ, ЕРДАН БАРАКА ОЛАЁТГАНЛАР

О'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов Хонқа туманига сафари доирасида “Тўтижон Бекметова” фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишди.

Таъкидлаш керак, фаолияти асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган бу фермер хўжалигини соҳада бой тажрибага эга. Камолиддин Юсупов бошқариб келмоқда. Қувноқлиси, жорий йилда 100 центнер ғалла ҳосили йиғиб олинганининг ўзи бу хўжалик аъзолари меҳнати қай даражада эканига исботдир.



Хўжалиқда 65 нафар ишчи фаолият юритмоқда. Бу эса қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминланиши, даромад манбаларини кўлайитиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Хитойдан умумий қиймати 3,5 миллиард сўмни ташкил этувчи замонавий пахта териш машиниси олиб келинди. Мазкур технология фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада ошириши шубҳасиз.

Алоҳида эътиборга молик жиҳат шундаки, хўжалиқда 200 киловатт қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилган. Бу эса энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, электр таъминотидаги барқарорликни таъминлаш ва харажатларни қисқартиришга хизмат қилмоқда. Экологик ва иқтисодий самарадорликни ошириш борасидаги бундай қадамлар фермер хўжаликлари учун намуна бўла олади.

Ўз навбатида фермер хўжалигини қийнаб келаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Камолиддин Юсуповнинг изоҳ беришича, қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилаётган ортиқча электр энергияси учун ҳар ой эмас, балки уч ойда бир марта ҳақ олинаётгани адолатдан эмас ва бу борада амалий кўмак зарур.

О'zLiDeP раиси Ақтам Хаитов фермерга ортиқча электр энергиясини ишлаб чиқаргани ва тармоққа узатгани учун ойма-ой ҳақ тўлаш бўйича мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ечим топишга ваъда берди.

Шундан сўнг фракция раҳбари Хоразм вилоятидаги IT паркда ҳам бўлди. – IT парк лойиҳалари ташаббускор ёшларимизнинг инновацион салоҳиятини юзага чиқарадиган масканга айланиши керак, – деди партия етакчиси ёшлар билан мулоқотда. – Партиямиз ёшларни бу соҳага кенг жалб қилиш ва уларни бозор талабларига мос кадр сифатида тайёрлаш учун барча имкониятларини ишга солади.

Ўз навбатида бу фикрлар ахборот технологияларига қизиқиши баланд бўлган ёшларнинг руҳини кўтарди. Дарвоқе, Урганч шаҳридаги 10-сонли мактаб ўқувчиси Шерзод Мадраимов ҳам ана шу паркнинг фаол ёшларидан бири. У ахборот технологиялари бўйича таҳсил олиб, халқаро сертификатни қўлга киритди.

– IT парк ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди, – дейди Шерзод Мадраимов. – Менинг IT билан боғлиқ илк орзуларим шу ерда туғилди. Илк лойиҳаларимни шу ерда синаб кўрдим. Ўйлайманки, бу маскан минглаб ёшларнинг орзулари ва ғояларини амалга оширадиган фабрика бўлади.

СИРДАРЁ



“АҚЛЛИ СУВ” ҚУРИЛМАЛАРИ КЎМАККА КЕЛМОҚДА

О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгашида халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари ва мутахассислар жамоатида ахборотчилик ашитуви бўлиб ўтди. Унда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гавҳар Олимова** ҳам қатнашди.

Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбари Нуркомол Атакуловнинг маълумот беришича, 2025 йилнинг ярим йиллигида вилоятда 76,7 км ирригация тармоқлари реконструкция қилиниб, 9,8 минг гектар ерда сув таъминоти яхшиланди. Шунингдек, 1 500 км ички ариқ бетонлаштирилиб, сувдан фойдаланиш самарадорлиги 18 фоизга ошди. Сув тежайдиган технологиялар 28,1 минг гектар ерда жорий этилди. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш, лазер билан текислаш, эгата плёнка ёйиш ва бошқа усуллар орқали сув сарфи сезиларли қисқартирилди.



Бундан ташқари, “ақлли сув” қурилмалари, рақамли мониторинг тизимлари, “Suv hisobi” ахборот платформаси орқали сув ҳисобини юритиш амалиёти кенг жорий этилмоқда.

Тадбирда вилоят давлат солиқ бошқармасининг ахбороти ва таклифлари ҳам эшитилди. Унда солиқ тушумлари, тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш, рақамли солиқ хизматларини кенг жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва натижалар ҳақида маълумот берилди. Жамоатчилик эшитиши якунида депутатлар ва мутахассислар томонидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ЖИЗЗАХ



МУАММОГА ЕЧИМ БОР

Мухбиримиз Баҳром Мирзақобилов шундай ёзади:

“Аъзанага кўра, бу гал ҳам **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Рискул Сиддиқовга** ҳамроҳлик қилдим. Қизиқ ва ҳаётий мисоллар кўп бўлди.

Биз дастлаб Бахмал туманига қарашли “Мўғол” МФЙдаги Боғимозор-сой сел сув омбори қурилиш жараёни билан танишдик. Депутатнинг учрашувини айнан шу ҳудуддан бошлагани бежиз эмас. Нега десангиз жорий йилнинг феврал ойида сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотда маҳаллий аҳоли унга ушбу муаммоли қурилиш масаласи юзасидан мурожаат қилишган эди.



Гал шундаки, ҳажми 725 минг м³ ни ва қиймати 33 млрд 438 млн сўмни ташкил этадиган мазкур сув иншооти қурилишининг биринчи босқичи бошланганига анча вақт бўлди. Бироқ турли хил сабаблар билан бу ердаги ишлар чўзилиб кетди. Хуллас, бу масала юзасидан Рискул Сиддиқов Сув хўжалиги вазирлигига бир неча марта депутатлик сўрови чиқарганидан хабардормиз. Ниҳоят, масъул ташкилотлар, маҳаллий ҳокимлик вакиллари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасини берди. Бугунги кунда бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Эътиборли жиҳати, ушбу сув омбори ишга тушса, ҳудуддаги бир ярим мингга яқин хонадонда яшовчи аҳолининг оғири енгил бўлади, томорқачилик, тадбиркорлик фаолияти кучаяди.

Депутатимизнинг кейинги манзили шу тумандаги “Урмончи” МФЙ ҳудудида жойлашган Уйлуқма қишлоғи бўлди. Бу ерда депутат қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳолати билан танишди ва соҳа ходимлари билан мулоқот қилди.

Халқ номи, шунингдек, вилоятнинг Ғаллаорол, Арнасой туманларида ҳам бўлиб, ободонлаштириш ва бунёдкорлик жараёнлари билан танишди...”

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

"UZBEKISTAN GTL" – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ



ихавий қувватнинг 70 фоизини ташкил этган эди. 2024 йилнинг декабидан 2025 йил февралгача давом этган режавий капитал таъмирлаш ишларидан сўнг бу кўрсаткич 95 фоизга етказилди. Шунингдек, таъмирлаш лозимки, йирик заводларда режавий капитал таъмирлаш ишлари ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади.

Ушбу гигант заводнинг самарадорлигини янада юксалтириш йўлида амалга оширилган режавий капитал таъмирлаш ишларидан сўнг 2025 йил июнда "Uzbekistan GTL"нинг "Air Products" компанияси билан ҳамкорликда "Performance test" – яъни 100 фоиз ишлаб чиқариш юкласи остидаги синови муваффақиятли якунланган, завод тўлиқ қувватда барқарор ишлаб боради. Синов натижалари заводнинг юқори даражадаги тайёргарлиги ва халқаро стандартларга мослигини кўрсатди.

Жаҳондаги бешта шундай турдош корхонанинг энг замонавийси бўлган завод суўлтирилган синтетик маҳсулотлар – дизель, авиакеросин, нафта кабилар ишлаб чиқаради. "Performance test" муваффақиятли амалга оширилган, бугунги кунда йиллик 700 минг тонна дизель, 450 минг тонна нафта, 300 минг тонна керосин, 50 минг тонна суўлтирилган газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Шунингдек, таъмирлаш лозимки, дунёда GTL технологияси асосида қурилган қолган 4 та заводнинг ҳеч бири ҳозирги қадар 100 фоиз қувватда ишлаб чиқаришчиларини намойиш эта олгани йўқ.

Ўзбекистон нефть-газ тармоғида янги даврни бошлаб берган завод транспорт соҳасида экологик тоза келажакни таъминлаш барибаради катта миқдордаги маҳсулотларни ҳозирлаш учун хавфсиз, соғлом, экологик тоза маҳсулотни тайёрлашни йўлга қўйди. Унинг ишга туширилиши мамлакатимизни "яшил иқтисодиёт" сари дадил одимлаётганлигини яна бир қарра исботлади. Бу ерда ишлаб чиқариладиган авиакеросин тоза ва сифатли бўлиб, сўнгги русумдаги замонавий самолётларга мўлжалланганлиги боис бозорда ҳамма харидориги ва талаб юқори. Инновацион ечим маҳорат билан қўлланаётганлиги туфайли завод ўзини-ўзи электр билан таъминлайди. Яъни, технологик жараёнларда ҳосил бўладиган буғ ҳисобидан йилгига 650 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Корхонада бугунги кунда 1100 нафардан ортиқ ходимлар меҳнат қилади. Уларнинг катта қисмини 30 ёшгача бўлган салоҳиятли ва билимли ёшлар ташкил этади. Жамоа аъзоларининг 84 фоизи олий маълумотли, ўз касбини пухта эгаллаган иқтидор эгаларидир. Улар юз фоиз маҳаллий кадрлардан иборат бўлиб, хорижий тилларни мукамал эгаллаган, замонавий технологияларни катта маҳорат ила бошқариб, миллий саноатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган Янги Ўзбекистон ёшларидир. Ишловчиларни билим ва малакасини ошириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, бир гуруҳ ёшлар ORYX GTL (Қатар) заводида амалиёт ўтаб, халқаро тажрибага эга бўлишган. GTL лойиҳасининг техник консултанти ҳисобланган Technip FMC компанияси томонидан ўтказилган ўқув дастурларида иштирок этишиб, GTL технологияси, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда хавфсизлик стандартлари бўйича чуқур назарий билимларни эгаллашган. Бундан ташқари, завод бошқарув тизими бўйича Honeywell компаниясининг ўқув дастурларида қатнашиб орқали замонавий автоматлаштирилган бошқарув тизимларини мукамал эгаллашди. Шунингдек, "Ўзбекнефтегаз" АЖ таркибидagi бошқа заводларда ташкил этилган ишлаб чиқариш амалиётлари ходимларнинг билим ва тажрибасини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Жамиятда ходимлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилган бўлиб, замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан бир қаторда, техника хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш стандартларига тўлиқ амал қилинади. Ишлаб чиқариш ҳудудида замонавий шахсий ҳимоя воситалари, тиббий пункт, лаззатли таомлар билан сийлайдиган ошхона, дам олиш ҳудудлари мавжуд. Ўзоқ ҳудудлардан келиб ишлайдиган ходимлар учун турар жойлар, мунтазам транспорт хизматлари ташкил этилган.

2024 йилда корхона қасаба уюшма ташкилоти "Энг яхши ижтимоий шерик" Халқаро кўрик-танловида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида тенгсиз деб эътироф этилган. Раҳбарият томонидан ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Уларга рақобатбардор иш ҳақи, самарали бонус тизими, моддий ёрдамлар, касалик ёки оғир ижтимоий ҳолатларда кўмак берилди.

Президентимизнинг 2022 йил 7 июлдаги "Нефть ва газ соҳасида таълим ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда завод учун малакали кадрлар тайёрлаш дастури доирасида иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантириш учун ҳар йили техника йўналишидаги олий таълим маассасалари ўртасида корхона стипендияси ташкил этиб келинмоқда. Шу билан бирга, ёш авлодга чуқур билим беришда ҳаммасларига ўрнатилган олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари меҳнатини

эътироф этиш мақсадида "Энг фидойи устоз" танлови ҳам мунтазам равишда амалиёт ва малака ошириш, ички ва халқаро тренинг, стипендия ва ёш олимларни рағбатлантириш дастурлари, "Раҳбар ва ёшлар" учрашувлари, спорт ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, энг юқори экологик талаб, норма ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Технологияларни бошқариш, мониторинг қилиш ва хавфсизликни таъминлаш замонавий ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Корхонада фойдаланиладиган ёқилғи бошқа аънавий ёқилғиларга нисбатан 40 фоиз кам чиқинди ва зарарли газ ҳосил қилади. Натижада йилгига 13,5 тонна зарарли газларнинг ҳавога тарқалишининг олди олинади.

– Корхонамизнинг ишга туширилиши миллий саноатимизни жаҳон стандартлари даражасида ривожланиш йўлига кирганлигини яна бир бор исботлади, – дейди "Uzbekistan GTL" МЧК Бош директори Алишер Баҳодиров. – Бизнинг маҳсулотларимиз ишлаб чиқарила бошлагач, бозордаги синтетик нефть маҳсулотларининг нархи анча пасайди. Хусусан, заводда маҳсулот ишлаб чиқарилиши бошланган даврда 1 тонна синтетик дизелнинг нархи тахминан 18,5 млн сўмни ташкил этган бўлса, заводимизнинг бозорга кириб келиши натижасида бу маҳсулот нархи 9,5-10 млн сўмга тушди. Илгари мамлакатимизда авиация соҳасидаги авиакеросинга бўлган эҳтиёж асосан импорт қилинган маҳсулотлар ҳисобидан қондирилган бўлса, ҳозирда импорт ўрнини босувчи авиакеросин етарли ҳажмда заводимизда ишлаб чиқаришмоқда. Маҳсулотларимизни ички бозорга йўналтириш билан бирга хориж мамлакатларига ҳам экспорт қилмоқдамиз. Ҳозирга қадар 750 минг тоннага яқин маҳсулот хорижга чиқарилди. Бизда ишлаб чиқарилаётган суўлтирилган газ тўлиғича ички бозордаги эҳтиёжни қондиришга йўналтирилмоқда.

Шунингдек, таъмирлаш лозимки, илмфан ривожидagi ютуқларимиз, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этилиши саноатимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Заводимизда ҳомашё қайта ишланиб, қўшимча қиймат яратилди. Натижада иқтисодиётимиз мустақамланиб, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги йил сайин ортиб бораётди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Ўзбекистон энергетикасининг улкан ютуғи бўлган, бугунги кунда иқтисодиётимиз таянчига айланган "Uzbekistan GTL" заводининг ишга туширилиши миллий саноатимизни жаҳон стандартларига тенглаштириш борасида муҳим қадам бўлди. Табиий газдан экологик тоза ёнилғи ишлаб чиқарувчи бундай ноёб корхона ҳозирга қадар 4 та давлат – Қатар, Нигерия, Жанубий Африка республикаси ва Малайзияда мавжуд эди. Ўзгор туманидаги чўл кенгликларига қад ростлаган ушбу завод Янги Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, саноатида улкан аниқланишни бошлаб берибгина қолмасдан, минтақамиз нефть-газ кимё саноати соҳасидаги энг йирик мажмуа сифатида жаҳондаги нуфузи ва мавқеини янада оширди.

Мамлакатимизда дизелга бўлган эҳтиёжни қондириш, авиакеросин импортини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "Шўртан газ-кимё комплексининг тизимли рағбатлантириш" инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

қарори асосида заводнинг қурилиш монтаж ишлари 2017 йилда бошланиб, 2021 йил декабрда тугалланди. Орадан олти ой ўтиб, юртимиз тарихида биринчи маротаба табиий газни қайта ишлаш орқали синтетик нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди. 2022 йил июнда заводни ишга тушириш даврида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари лойиҳа

БУҒДОЙДАН БЎШАГАН МАЙДОНГА ПАХТА ЭКИШ МУМКИН...МИ?!

◀Бошланиши 1-саҳифада.

Янгиликларни амалиётга татбиқ қилишда хонқалик деҳқонлар ҳаммаша пешқадам. Бугун улар юртимизнинг барча ҳудудларида деҳқончилик қилиб, бозорларимиз тўкин ва нарх-наво мўътадил бўлишига баҳоли қудрат улуш қўшишяпти.

Буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида чигит экиш тажрибасини ҳам хонқаликлар мамлакатимизда биринчи бўлиб бошлаб беришди.

Биламиз, ғўза бир йиллик экин бўлиб, унинг вегетация даври узоққа чўзилади. Март ва апрель ойларида экилган чигит, агарда ёз ҳарорати юқори келса август ойи охирида пишиб етилади – оппоқ пахтага айланади. Бу ками билан тўрт ой вақт кетди дегани. Кескин континентал иқлимга эга Хоразмда кузнинг барвақт келиши, пишиб етилмаган ҳосил нишонларини совуқ уриб кетиши кўп кузатилган. Шу сабаб, воҳада деҳқончиликни "таваккалчилик" ҳам дейишди.

Ишонини қийин, аммо бу бор гап: туманининг Қирққеп қишлоғида фаолият олиб бораётган "Сотима Умрбек қизи" фермер хўжалиғи таваккал тажрибага биринчи бўлиб қўл урди – буғдойдан бўшаган 7,2 гектар майдонга ёз аввалида пахтанинг тезпишар "Равнак" нави-ни қадади. Чигит униб чиқиши ва тезкор ривожланиши учун экишдан олдин минерал ўғит

берилгани айти мудоа бўлди ва ғўза кунда бир яшнади. Қатор ораларига уч марта ишлов бериш жараёнида ҳам минерал ва маҳаллий ўғитларни белгиланган меъёрларда беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижа эса қувонарли: ғўза ўтган икки ойда 70 сантиметрга буй торган, ҳар тупида 20 га яқин нишона буй кўрсатиб, уларнинг ярмидан кўпи аллақачон кўракларга айланган.

Фермер хўжалиғи раҳбари Умрбек Авазметовнинг эътирофича, пишиб етилган кўсаклар сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида тўлиқ очилади ва ҳар гектардан камида 35 центнер атрофида ҳосил тўплаш мумкин бўлади.

Тўғри, мустақилликнинг илк йилларида буғдойдан бўшаган далаларда пахта етиштириш тажрибаси қўллаб қўрилган. Яъни гурут қутиси шаклидаги ёғоч идишчаларда чигит ундирилган, ярим қаричча буй торган ғўза кўчталари далаларга ўтказилган ва сентябрь ойида ҳосил олишга эришилганди. Лекин бу тажрибанинг салбий томони шунда эдики, кўпроқ қўл кучини талаб қилар, харажатлар эса даромаднинг қолмасасди.

Буғдойдан бўшаган далаларга пахтанинг тезпишар навларини экиш ҳам камчиқим, ҳам самарали бўлиши аниқ.

– Амалдаги йил ҳосили учун 26 гектар

майдонга чигит қадаганмиз. Эрта экилган пахтаимиз камида 65 центнерлик тош босишини тўплаган ҳосил нишонлари кўрсатиб турибди, – деб гурунқ беради фермер. – 20 гектар майдонга буғдой эккандик. Ҳар гектаридан 70 центнер хирмон кўтардик. Мана энди, 7,2 гектар буғдойдан бўшаган ерга қадаган чигитимиз кўзни қувонтирадиган даражада. Бир мавсумда бир майдондан камида юз центнер ҳосил кўтарсак, бу фермер хўжалиғимиз учун қони фойда-да! Ишончим комилки, бу йилги тажрибамизни кейинги йили бошқа фермерлар ҳам қўллашса керак. Ҳозирдан бошлаб ҳатто қўшни туманлардан фермерлар келиб, тажрибамизни ўз кўзлари билан кўриб, бу янгиликка қизиқиш билдиришяпти.

О'зLiDeP лидери Ақтам Хайтов ўзининг Хоразм вилоятига уюштирган сафари доирасида бир гуруҳ фаол фермерлар билан учрашиб, хўжаликларда қўлланилаётган замонавий технологиялар билан танишаркан, ушбу тажриба хусусида ҳам фикр алмашди. Айниқса, тумандаги "Тўтижон Бекметова" фермер хўжалиғи ерларини суғориш учун қуёш фотоэлектр станцияси ёрдамида ишлайдиган насос қурилмаси фаолияти йўлга қўйилгани, фермер ўз маблаглари ва электр энергиясини тежашга эришганлиги алоҳида эътироф этилди. Қизиқarli кечган мулоқотда соҳага оид маса-



лалар, уларнинг ечими, ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қишлоқ хўжалиғига татбиқ этиш имкониятлари муҳокама этилди.

...Ўз ишининг устаси бўлган хонқалик бободехқонлар бугун таваккалчилик билан қўллаган ғаройиб тажриба бир кун келиб одатий

деҳқончилик амалиётига айланиши мумкин. Бунинг вақт кўрсатади. Ҳар доим шундай бўлган!

Рўзимбой ҲАСАН,
"XXI asr" мухбири

ФАОЛ АЁЛЛАР – МАҲАЛЛАНИНГ ЮРАГИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА НУФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ОРҚАЛИ МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ НАТИЖАСИДА ЎЗ ЙўЛИНИ ТОПИШИ, ТАДБИРКОРЛИККА ҚАДАМ ҚўЙИШИ ВА ҲАТТО БОШҚАЛАРГА НАМУНА БўЛАЁТГАНИ АНА ШУНДАЙ ЭЪТИБОР САМАРАСИДИР.
НИҲОЯТ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ШАҲАР-ТУМАН БОСҚИЧЛАРИ ҲАМ ЯКУНЛАНИШ АРАФАСИДА. КЕЙИНГИ ҲАФТА РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ. ЎЗИГА ХОС БУ ЛОЙИХАНИНГ ЭНГ ҚИЗГИН ВА ҲАЯЖОНЛИ ФУРСАТЛАРИ ЯҚИН.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

О‘зLiDeP **Қонлиқўл туман кенгаши** ташаббуси ҳамда Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамкорлигида ўтган “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танловининг туман bosқичида кичик бизнес, хизмат кўрсатиш, хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган фаол аёллар ўзларининг тўқувчилик, ошпазлик, миллий хунармандчилик, қўл меҳнати буюмлари ва турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини намойиш этишди. Асосий эътибор янги иш ўринлари яратиш, “Аёллар дафтари”даги хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги, экспорт салоҳияти, инновацион ёндашувлар ва ижтимоий ташаббусларга қаратилди.



Натижалар чакки бўлмади: фахрли 1-ўрин Наврўз овулидаги “Тайир Кайирхожа” оилавий корхона раҳбари Гулайим Қалбаевага насиб этди ва энди у Қорақалпоғистон Республикаси bosқичида қатнашади. 2-ўринни Дўстлик овулида яшовчи миллий кийим ва кўрпачалар устаси, 50 дан ортиқ хотин-қизни шогирдликка олиб, хунар ўргатган тажрибали хунарманд Бахтигул Салтанатова, 3-ўринни Наврўз овулидан яқка тадбиркор Турдигул Тагабергенова эгаллади.

* * *

Танловнинг **Кегейли туман** bosқичида ҳакамлик қилганларга ҳам бу сарфар осон бўлмади. Иштирокчилар қалб кўри ва кўз нуридан ҳосил бўлган бир-бириндан бежирим маҳсулотларини пештахталарда кўз-кўз қилишгани, қараганининг кўзи қамашади, ақли шошади. Қўл меҳнати билан тайёрланган миллий хунармандчилик буюмлари дейсизми, органик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларими ёки машиий хизмат йўналишидаги инновацион ёндашувлар ҳамда бошқа кўплаб лойиҳалар эътиборни жалб қилмай қўймайди.

Бироқ талаб шу, зўрдан-зўрини, нафисдан нафисини ажратиб, тақдирлаш керак. Ахир кейинги bosқич бундан-да қийин. Шу боис, ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг фаолиятини, маҳсулот сифатини, бозор талабларига мослигини ва уларнинг тадбиркор сифатидаги салоҳиятини ҳолисона баҳолади.

1-ўрин – Қуёшли маҳалласидан Гулнур Пердебаевага насиб этди. Унинг инновацион ёндашуви, маҳаллий ишлаб чиқаришга кўшган ҳиссаси юқори баҳоланди. 2-ўрин – “Гўжим терак” МФЙдан Марям Камаловага, 3-ўрин – Маданият маҳалласидан Мўлди Утебаевага берилди.

Энди Гулнур Пердебаева танловнинг республика bosқичида иштирок этади.

О‘зLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

СИРДАРЁ

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда 2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йилида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар доирасида О‘зLiDeP ҳам фаол иштирок этаётгани сир эмас. Партиянинг сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилоятида ҳам қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилмоқда.



Шу маънода, О‘зLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан Гулистон шаҳрида ташкил этилган “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танлови нафақат хотин-қизларни рағбатлантириш, балки уларнинг янги фоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди.

Кўргазмада иштирокчилар ўз маҳсулотлари – миллий заргарлик буюмлари, қуроқчилик ва маҳаллий хунармандчилик намуналарини тақдим этдилар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан маҳсулотларнинг миллий руҳга мослиги, замонавий дизайн билан уйғунлиги ва яратувчанлик даражаси асосий мезон сифатида баҳоланди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин – миллий тақинчоқ ва заргарлик маҳсулотлари билан машхур Раъно Азизбоевага, 2- ва 3-ўрин – қуроқчилар Нилуфар Турдиева ҳамда Соҳиба Ҳошимовага насиб этди.

* * *

Ишбилармон аёл – бу ўз мақсадларини аниқ белгилай оладиган, уларга етиш учун қатъий масъулият билан ҳаракат қиладиган, замонавий билим ва кўникмали ташаббускор ва ташкилотчи аёл ҳисобланади. Танловнинг **Ховос ту-**

ман bosқичида бунга яна бир бор амин бўлдик. 20 нафар иштирокчининг иқтидори, имкониятлари ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳолис баҳоланди. Ҳайъат аъзолари “Олимжон жўра” МЧЖ тикув цехи раҳбари Гулнора Жўраевани 1-ўринга, мунчоқлардан турли буюмлар ясовчи, “Сабина Каттабекова” МЧЖ раҳбари Муниса Раҳмонкуловани 2-ўринга, “Муҳайё она” МЧЖ тикув цехи раҳбари Сурайё Ғоziевани 3-ўринга муносиб деб топишди. Шунингдек, рағбатлантирувчи ўрин соҳиблари ҳам партия вилоят кенгаши ва туман ҳокимлигининг диплом ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди.

О‘зLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

НАВОЙ

Танловнинг Нурота туман bosқичи доирасида ташкил этилган кўргазмада ўттизга яқин ишбилармон хотин-қизларнинг миллий либослар, нодир каштачилик, кулолчилик, қўғирчоқчилик, дурадгорлик, бешикчилик, заргарлик, дўппичилик ва ҳайкалтарошлик каби ижод намуналари ҳакамлар ҳайъатида катта таассурот уйғотди.



– Каштачилик миллий хунармандлик санъатининг бир туридир, – дейди 1-ўрин соҳиби Мунира Худойкулова. – Бир вақтлар ўзим “Аёллар дафтари”да турадим. Мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мана, тадбиркорлигимни бошладим. Бугунги кунда 200 га яқин касаначилик асосидаги 50 нафар доимий ишчиларим бор. Уларнинг 25 нафари ногиронлиги бор хотин-қизлар. Уч йилдан буён маҳсулотларимизни “Munira new breand” МЧЖ номи остида Қозоғистон, Туркия каби давлатларга экспорт қиляпмиз. Нурота кашталари нафақат Ўзбекистонда, кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам қадрли. Бу эса мен ва ҳар бир нуроталик қалбига фахр туйғусини беради.

2-ўринга кашта ва нақшли миллий либослар яратувчиси Саодат Файзиёва, 3-ўринга эса новвой, “Асл барака” оилавий корхонаси раҳбари Ҳадича Ғайбуллаева сазовор бўлди.



* * *

“Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” шиори остида ўтказиб келинаётган мазкур танлов фақат рақобат эмас, чинакам ҳамкорлик ва тажриба алмашиш майдонида айланиб борапти, десак асло муболаға бўлмайди. Ушбу лойиҳанинг Зарафшон шаҳар bosқичида ҳам бир-бирдан шижоатли, жонқуяр ва юқори натижаларни кўрсатган 15 нафар тадбиркор иштирок этди.

Яқуний хулосага кўра, 1-ўринга “Сахро” хусусий корхонаси раҳбари Зебо Қосимова муносиб кўрилиб, танловнинг кейинги bosқичига йўлангани қўлга киритди. 2-ўринга миллий ва трикотаж либослар устаси, “Зар Моҳизода келажак” МЧЖ раҳбари Хуришда Хушназарова муносиб кўрилди. 3-ўрин эса меҳнатчилик иқтисослашган “Сифат” оилавий корхонаси раҳбари Гулчирай Ҳамроевага берилди.

– Фаолиятимни бошлаганимга 10 йилдан ошди, – дейди Зебо Қосимова. – Тикувчиликдан бошланган ҳаёт йўлим кўп тармоқли тадбиркорликка айланди. Ҳозирда янги йўналиш, яъни туя жунидан кўрпа-тўшак, уст ва оёқ кийимлари ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиз экологик тоза ва фойдали бўлгани учун талаб борган сари ортмоқда. Айниқса, бел ва тизза учун яратилган белбоғларимизга харидорларнинг эҳтиёжи юқорилиги боис баъзан етказиб беришга улгурмай қоламиз.

Қундуз ЭШҚОРАЕВА,

О‘зLiDeP Навоий вилоят кенгаши бўлим mudiri

ФАРҒОНА

Бу йилги танловлар маҳаллаларда бошлангани янада янги қиёфаларни, янги ташаббусларни кашф этишга имконият яратди.

О‘зLiDeP **Фарғона шаҳар** кенгаши ташкил этган беллашувда маҳалла-

лардаги саралаш bosқичларида ғолиб бўлган 17 нафар ишбилармон аёл иштирок этди. “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи”да бўлиб ўтган мазкур шаҳар bosқичида улар ўз меҳнати самараси бўлган маҳсулотлари ва лойиҳаларини “кўз-кўз қилишди”.



Хўжамағиз маҳалласида яшовчи миллий либослар устаси Зулфизар Акбарованинг 20 дан ортиқ шогирди билан тайёрлаган кўргазмаси тадбирга алоҳида фойз киритди. Ал-Фарғоний маҳалласидан келган Шоирахон Шералиеванинг қўл меҳнати намуналари, гулистонлик томорқачи Раъно Маҳмудованинг кўчатчиликдаги хизмати барчанинг эътиборини тортди. Шу боис 1-ўринга тикувчи Зулфизар Акбарова, 2-ўринга хунарманд Шоирахон Шералиева ва 3-ўринга томорқачи Раънохон Маҳмудова муносиб кўрилди.

О‘зLiDeP Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Беллашувнинг **Чилонзор туман** bosқичи пойтахтимиздаги “Dream Park” истроҳат боғида ташкил этилди.

– Хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бора-сида партиямиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, – дейди партия Тошкент шаҳар кенгаши бўлим mudiri Моҳинисо Фармонова. – “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ҳам иқтисодиётимизни юксалтиришда янгида янги лойиҳаларни амалиётга тағбиқ этиб, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни кашф этиш орқали замонавий ишбилармон аёллар қиёфасини яратаяпти, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.



Тадбир давомида ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг кўргазмали фаолиятлари ўрганилиб, ишбилармонлар Гулноза Сотимбоева 1-ўрин, Бибисора Раҳматуллаева 2-ўрин, Дилфуза Ибрагимова ва Наргиза Нигманова 3-ўринни эгаллади.

– Қорақўл теридан мўйнадўзликда кенг фойдаланилади, – дейди 1-ўрин соҳиби Гулноза Сотимбоева. – Барча соҳалар қатори бу тармоқ ҳам доимий ривожланиб, инсонларнинг моддий ва эстетик эҳтиёжи, урф ўзгаришига мослашмоқда. Яъни мўйна, хусусан, қорақўл тери асосида тикиладиган буюмларнинг мавжуд шакллари такомиллаштириш, янги турларини яратишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Дунё бозорида қорақўл териларига ҳамиша талаб юқори бўлган. Бу терининг вазни ёки бошқа микдор кўрсаткичи эмас, балки тури, ранги, шакли, тола қопламнинг тизги, ипаксимон ва ялтироқлиги маҳсулот сифатини баҳолашда асосий мезон саналади. Бугун мен айнан ана шундай маҳсулотларим билан танловда иштирок этдим. Ҳакамлар ҳайъатининг менга билдирган ишончини, албатта, оқлайман. Дунё бозорларида маҳсулотларимизни янада кўпайтиришга ҳаракат қиламан.

О‘зLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати





Саноат ва табиат уйғунлиги концепцияси “Навоий кон-металлургия комбинати”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УЧУН АСОСИЙ
МЕЗОНДИР

Сўнгги ўн йилликда дунё жамоатчилиги барқарор ривожланиш ва экологик хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қарата бошлади. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам экологик тозалик, энергия самарадорлиги ва иқлим ўзгаришларига қарши курашиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Германия, Япония, Жанубий Корея, Нидерландия ва Норвегия каби мамлакатлар қайта тикланадиган энергия, “яшил” технологиялар ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида илғор тажрибага эга. Масалан, Германия электр энергиясининг қарийб ярмини қайта тикланадиган манбалар ҳиссасига тўғри келади. Япония эса қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалигида “яшил” инновацияларни кенг жорий этиш бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири саналади.

Ўзбекистон ҳам бу глобал жараёндан четда қолмай, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш борасида изчил ислохотларни амалга оширмоқда. Айниқса, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни бу борада муҳим қадамлардан бири сифатида алоҳида эътироф этиш мумкин.

Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш, қуёш фотоэлектр станциялари қувватининг ортиси – нафақат иқтисодий самарадорлик, балки экологик барқарорлик нуктаи назаридан ҳам муҳим ютуқ ҳисобланади. Бугунги кунда комбинатнинг маъмурий бинолари тўлиқ “яшил” энергия билан таъминлангани, саноат соҳасидаги илғор ёндашувнинг ёрқин намунасиридир.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳам комбинат томонидан муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Амударё сувини тежаш, қайта ишланган сувлардан самарали фойдаланиш ва оқова сувларни тозалаш орқали ҳажми 36 миллион куб метрга тенг сув ресурслари сақлаб қолинмоқда. Бу эса нафақат корхона, балки бутун минтақа аҳолиси учун ҳаётий аҳамиятга эга.

– Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида чанг-газ тозалаш ускуналарини жорий этиш, автоматлаштирилган мониторинг станциялари орқали назоратни кучайтириш ишлари амалга оширилмоқда, – дейди **комбинатнинг Экология бўлими бошлиғи Хайрулла Бақоев**. – Бу ишлар корхонанинг экологик масъулияти юқори эканини кўрсатади.

Комбинатда “яшил энергетика” ва энергия самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маъмурий бинолар учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш мақсадида 100 кВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Ушбу станция йилгига 200 минг кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бошқарма биносининг йиллик эҳтиёжининг 43,9 фоизини қопламақда.

– Республикамизда қуёш энергиясининг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг, – дейди **комбинат Бош энергетигининг ўринбосари Икромжон Шукурлаев**. – Шу боис, бу борадаги ишлари-



миз янада жадал суръатда давом этмоқда. 2024 йил охирига қадар комбинатда фотоэлектр станциялари умумий қуввати 1450 кВт бўлган бўлса, қўшимча 5750 кВт қувватдаги станциялар ишга туширилиб, ушбу кўрсаткич 5 баробарга оширилди. Натижада, фотоэлектр станциялардан йилгига 14,3 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Бугунги кунда комбинатнинг барча маъмурий бинолари тўлиқ қуёш энергияси билан таъминланган. 2025 йилнинг январь ойида Нурота туманидаги Пистали кони худудида 2300 кВт қувватга эга фотоэлектр станциясининг қурилиши якунланиб, ишга туширилди. Умумий қувват ҳозирда 9550 кВтни ташкил этмоқда.

Айни пайтда, комбинат электр энергияси эҳтиёжининг тахминан 14 фоизи Томди туманида ишга туширилган 500 МВт қувватга эга шамол электр станцияси орқали қопланмоқда.

Сув ресурслари муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш энг муҳим жараёнга айланмоқда. Масалан, корхона йиллик 130 миллион куб метр сувга эҳтиёж сезади. Бунинг 81 фоизи Амударёдан олинади ва Амударё – Зарафшон сув иншооти орқали 9 та насос станцияси воситасида ишлаб чиқариш объектлари ҳамда Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларига етказилади. Мазкур тизимда минг нафарга яқин мутахассис 1000 километрдан зиёд узунликдаги сув тармоқлари ва 100 дан ортиқ насос агрегатлари, 57 километрлик юқори кучланишли электр тармоқларини узлуксиз ишлатиш учун хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган чучук сувларни тежаш, иккиламчи сувлардан самарали фойдаланиш мақсадида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Президент қарорига муво-

фиқ, Амударё – Зарафшон сув иншоотида 2018 – 2024 йилларда учинчи сув тармоғини тортиш ва насос станцияларини реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилди.

2024 йил 9 июлда комбинатда 2024 – 2030 йилларга мўлжалланган “Сув ресурсларини тежаш ва сувдан оқилона фойдаланиш” дастури тасдиқланди. Унга кўра, умумий қиймати 176 миллиард сўм бўлган лойиҳалар доирасида жами 36 миллион кубометр тоза сувни тежаш режалаштирилган. Бу эса Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари аҳолисини уч йил давомида узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини яратади.

Атмосфера ҳавоси муҳофазаси долзарб масала эканлиги аён.

Комбинатнинг барча ишлаб чиқариш корхоналарида 95 – 99 фоизгача ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолиш қобилиятига эга бўлган чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган. 2025 йил якунига қадар яна 7 та шундай ускуна ўрнатиш режалаштирилган.

2024 йилда Навоий машинасозлик заводининг қўймачилик цехидаги чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилинди ва самарадорлиги 99 фоизга тенг бўлган икки донга янги ускуна ўрнатилди. Шунингдек, Шимолий кон бошқармасига қарашли 3-гидрометаллургия заводининг биринчи цехида 2 донга, иккинчи цехида эса 6 донга чанг-газ тозалаш ускуналари янгиланди.

Барча кон худудларида мунтазам равишда чанг бос-тириш ва отвалларни сув билан намлатиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар атмосферага чанг кўтарилишининг олдинчи олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2024 – 2026 йилларга мўлжалланган тармоқ жадвалига асосан, атмосфера ҳавосини назорат қилиш мақсадида автоматик намуналар олиш ва таҳлил қилиш станциялари-

ни ўрнатиш ишлари ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2024 йилда иккита шундай станция жорий қилинди. Улар орқали чиқиндиларнинг меъёрдан ошмаслиги доимий равишда назорат қилиниб, зарур чоралар тезкорлик билан қўрилади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ жамоаси ҳам қатор хайрли ишларни амалга оширди. Айниқса, йилрик саноат корхоналари ва чиқинди полигонлари атрофида “яшил белбоғ”лар ташкил этиш мақсадида қурғоқ иқлимга мос саксовул, можжар (сувга чидамли арча тури), акация каби кўчатлар екиляпти. Масалан, Томди туманидаги Турбай кони атрофида 2,5 гектар майдонда 30 минг тулдан зиёд саксовул экилиб, махсус “яшил белбоғ” ташкил қилинди. Шунингдек, Кармана туманидаги халқаро М-37 автомобиль йўлининг ҳимоя худудида 40,6 гектар ерда 25 мингдан зиёд манзарали кўчатлар экилиб, суғориш тизими жорий этилди.

Бундан ташқари, Нурота туманидаги Пистали кони ва 6-гидрометаллургия заводи атрофида 165 гектар ер майдонда 296 мингга яқин кўчат экилиб, кенг кўламли “яшил белбоғ” ташкил қилинди. Бу боққа ҳазрат Алишер Навоий номи берилди. Суғоришни таъминлаш мақсадида сув ҳавзалари қурилиб, тик қудуқлар қазилди.

Муҳтасар қилиб айтганда, Навоий кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган “яшил иқтисодиёт”га оид ислохотлар нафақат корхона, балки мамлакат ва бутун минтақанинг экологик хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Азамат ЗАРИПОВ,
журналист.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

“БЕШ МИНГ ДОЛЛАР БЕРСАНГ, ЎЧИРАМАН”

ёхуд тармоқдаги қармоқлар

...Эндигина уйқуга чоғланган Шахлонинг телеграм мессенжерига дугонасидан “тезда кўр” дея юборилган ҳаволаси капалагини учтириб юборди. Не кўз билан кўрсинки, ҳавола орқали кирган манзили – телеграмдаги бир каналда ўзининг суратлари ва ахлоқсизлик билан шугулланиши каби куракда турмайди, ёлғон, шаънига ҳақоратомуз сўзлар ёзилган эди. Бу ҳам етмагандек сал ўтмай “танишайлик” деган хабарлару устма-уст кўнгираклар кела бошлади телефониға.

Шахло бошини чангаллади, энди нима бўлади? Уни билган-таниганлар нима деб ўйлашади, ҳамкасблари-чи? Қай бирига битталаб тушунтиради у хабарларнинг ёлғонлигини. Аксига олиб канал масъули кимлигини билмаса, ташкилотчиларга боғланиш учун бирор рақам илова қилинмаган бўлса?

Шу аснода инстаграмдаги саҳифасига номаълум аккаунтдан овозли хабар келди: “Администраторини танийман, “Usmon” у”.

Шахло кидирувдан “Usmon”ни топди: – Илтимос, каналдан расмларимни олиб ташланг, истаганингизни бераман.

– 2 000 АҚШ доллари.

– Ҳўп, пулни қаерга олиб борай?

– Бориб олишади.

– Йўқ, мен пулни сизнинг қўлингизга бермоқчиман, локация ташлаб юборинг?

– Нима, сен мен билан сичқон-мушук ўйнамоқчимсан? – феъли бузилди “Usmon”нинг. – Қўлимга бериб, туттириб кетишни ўйлаясанми? Менда ҳали а-анча суратларинг бор, уларниям жойлаганимда аҳволинг қандай бўларди?

– Илтимос, шарманда қилманг, майли, сиз нима десангиз шу.

– Энди 5 000 доллар берасан, тушундингми? Тамом! Пулинг келгани захоти расмларинг ўчирилади...

Шахлонинг боши қотиб қолди. Шунча пулни қаердан топади? У товламачини қўлга тушириш учун ўзича шошилиб чоралар излай бошлади. Бошқа телефон рақамини кўринмайдиган ҳолга келтириб, қайтадан каналга кирган эди, “Vip admin” дегани эътиборини тортиди.

– Мен сизга дугонамнинг “очик-сочик” расмларини юборсам, тарқатасизми? – деди “Vip admin”га.

– Хизмат нархимиз 50 доллар, агарда

барча каналларимизда айлантирадиган бўлсак 100 АҚШ доллари беришингиз керак, – дея пластик карта рақамини юборди нариги томон...

...Энди гапни Зиёдадан эшитинг. Унга бир таниши шармандади каналда суратлари чоп этилганини айтганида, аввалига ишонмади. Мен билан кимнинг иши бор, бировга хусуматим бўлмаса, қолаверса, ёмон суратга тушмасам ҳам деди ўзига. Лекин таниши юборган ҳавола орқали у каналга ўтганида кўзларига ишонмади – ҳақиқатдан ҳам ўзининг сурати қандайдир беҳаё филъмдаги қирқмага ёпиштирилган, остида шаънига ёмон сўзлар, сўнг изоҳлар, ҳақоратлар ёзилган эди.

– Нега бундай қиласизлар, ахир бу фотошоп-ку, худодан кўркмаймасларми? – дея изоҳ ёзди у ғазабини ютолмай.

Худди кутиб тургандек, ҳалиги иймонсизлардан бири шартта хабар ва пластик карта рақамини ташлади:

– 1 млн сўм ташласанг ўчирамиз, аксинча, овора бўлма!

Зиёда тушунлиққа тушди, ҳатто икки ой давомида уйдан кўчага чиқа олмади, ишига-ям боролмади, оқибатда оғир касалликка чалинди...

...Саида ҳам тармоқда ўзининг бассейнда тушган расми тарқалганидан жигийбйрон бўлди. Суратгина эмас, унга берилган “таъриф”га ёзилган изоҳлардан ҳушини йўқотди. Каналнинг кўринмас юритувчилари унга ҳам 100 доллар берса, фотосуратларни ўчиришларини айтишди. Ростдан ҳам пластик картага

маблагни ўтказган эди, суратлари каналдан шартта ўчирилди.

Бу пластик карта каналнинг фаоли, 27 ёшли Имен Шавкатовга тегишли эди. Имен бир “иш”га қўл уради, интернетнинг имкониятларидан “унумли” фойдаланишни ва шу йўл билан бойишни кўзлайди. Шу мақсадда ҳамтоволари 21 ёшли Соли Бехзодов ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 3-босқич талабаси, 23 ёшли Хаминов Владимир билан ўзаро тил бириктириб, ишга киришишди.

Хусусан, улар бир гуруҳ бўлиб, ғаразгўйлик ниятида, бида туриб бошқа шахсни шарманда қилдиган уйдирмаларни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида, интернет жаҳон ахборот тармоқларида жойлаштириш орқали тухмат қилишда, шунингдек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилишда ифодаланган умумий қасд-ни қамраб олган ягона мақсадда 2022 йил 1 декабрда телеграм мессенжерда канал очилди. Инстаграм ва турли ижтимоий тармоқлардаги йигит-қизларнинг суратларини олишиб, улардан беҳаё кадр ва видеолавҳалар тайёрлашиб, ҳақоратлар билан бойитишди, каналда қўйворишди.

Қарашсани, “лойиҳа” кутилганидан ортиқ натижа беряпти: уятсиз аҳволларидан хабар топган сурат эгалари дарҳол уларга ёзиб, ўчириб юборишларини, истаганларини беришларини айтиб туришибди! Даромад устга даромад. Кундан кунга ўлжалари ҳам кўпая борди. Нуфузли университет талабалари, таниқли одамлар, мактаб директорлари улар қўйган тузоқдан қутулиш учун шартларни бажонидил бажараверишарди.

Қимирламай қорин тўйдиришдан ёқимлиси бор эканими, айниқса, ҳаром гуноҳдан ҳазар қилмайдиганлар учун?! Аммо улар бир нарсани унутдилар – шаҳар бедарвоза эмас! Зеро, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (буғун собиқ – тахр.) экспертларининг судга оид комплекс экспертизаси ҳулосасига кўра, ўша каналдан олинган ва фуқаро Саида Эшмуродова (жумладан бошқа жабрланувчи-



ларга ҳам)га тегишли материаллар мазмунан ўзаро муносабатларда иқтисодий манфаатлар ёки тамағирикларга оид маълумотлар деб ҳисобланади.

Гарчи судланувчилар ҳамда уларнинг ҳимоячилари жазодан қутулиб қолиш, айбларини енгиллаштириш мақсадида суд ҳайъатини чалғитишга уринишса-да, уларнинг нопок ишлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланди. Жумладан, жабрланувчилар (50 нафар) ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, аризалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, канални кўздан кегириш ва маълумотларни олиш тўғрисидаги баённомалар, фотожадвал, Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бош маркази, АОКА, Хадича Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза маркази экспертиза ҳулосалари, ашёвий далил сифатида эътироф этиш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган, тегишли тартибда текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндисиз барчасини сўзлаб турарди.

Қилмиш-қидирмиш, деганларидек, суд ҳукмига биноан жиноятчиларнинг ҳар бири айбларига яраша қазоланди. Имен Шавкатов Жиноят кодекси 130-моддаси 2-қисмининг 6 банди (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш), 139-моддаси 3-қисмининг а, г бандлари (оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда тухмат қилиш), 140-моддасининг 2-қисми (нашр қилиш

ёки бошқача усулда қўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоқларида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш), 141³-моддаси 2-қисмининг б, в бандлари (шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш: бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этиш) ва 165-моддаси 2-қисмининг а, в бандлари (товламачилик: кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб)да назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди. Унга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Худди шунингдек, Соли Бехзодов 5 йилга, Владимир Хаминов 3 йилга “кесилди”.


Зора учовлон бу вақт давомида озодлик қандай неъмат эканини, унинг шукронаси фойдали меҳнат, одамларга яхшилик қилиш ва эзгулик бўлиши кераклигини англашса.

Жаҳонгир САИДОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман суди судьяси.
Нурхон ЭЛИМРИЗАЕВА,
“XXI as” мухбири
(Мақолада келтирилган исм-фамилиялар ўзгаририлган)

ЭЪТИРОФ

Бир оғча бурун дафтарим ҳолиясига “Эркин Аъзам ~ 75”, “Усмон Аъзим ~ 75” деб ёзиб қўйдим ва роса ўйладим: бу икки забардаст ижодкор ҳақида нимадир ёзиш, тайёрлаш керак! Ўзидим, Ўчирдим. Ёўлмади, тўрт қатрама пичоққа илтифотдан фибр келимса деди бу калма. На илмж? Кейин яна акаларим (устоз дейишга тирак қилиш?) Икки асарлари, шеър-драма-достон-киноларини, сурхоноту хотираларини бир кўр кўздан кечирдим. Хўб тоғлар мамлакатини Бойсун элидан келиб дунё адабиётининг эли сара намуналари билан бўйлашувчи гўзал ва бекатдор, ижоди билан ҳақиқатининг мазру, муҳаббатини қозонган адиб ва шоирлиқига бағишлаб ёзилган саломий дил изҳорларини сизга илтифот.

Норқобил ЖАЛИЛ



ЯШАСИН ЁМҒИРЛАР!

У пайтларда биз ёмғирларда шалаббо бўлиб юришни яхши кўрардик. Усмирликнинг, ёшликнинг оқ, нурли ёмғирлари.

Биз – муртимиз энди сабза ура бошлаган, сочларимиз ўсиқ, елкада, юрнинг турли гўшаларидан келиб, дорилфунунга ўқишга кирган паст-баланд болалар, ўша пайтлар, яъни етмишинчи йиллар адабиётга гуруллаб кириб келаётган шоир-ёзувчилар билан яқиндан таниш бўлган, шундан фахрланиб юрғувчи, Талабалар шаҳарчасининг эрка, тан-тиқ талаба шоирлари. Барча ёзган шеърларимиз бир дафтар бўлмайдиган, оламни шеър ва севги билан забт этгудаймиз. Адабиёт деса ҳамма нарсанинг бахридан кечамиз. Адабиёт – биз учун байрам, туганмас қувонч, дарсга бориш йўқ, тайёрланиш йўқ, сессия бор, стипендия йўқ. У пайтлар Талабалар шаҳарчаси шеърят кечаларининг, адабий учрашувларнинг ҳақиқий гулшанига айланган эди. Биз ёмғирларда шалаббо бўлиб, ивиб шоир ва ёзувчиларни кутардик, кўккам осмонда қалдироқлар тантанавор даврон сурарди, еру кўк чексиз бир сурургга тўлиқ, дунё гўзал, олам ям-яшил эди.

Усмон Азим бизнинг кўнглимизга ўшал қалдироқлару ўшал оқ ёмғирлар билан кириб келди.

Эркин Аъзам ўшал осмонлару ўшал ям-яшил олам билан бизни ром этди, буткул шайдо этди.



Булар яхлит шаклланиб келаётган катта бир авлод, бу икки номни у оқшомлар, у адабий анжуманлардан ситиб олиб, алоҳида ажратиб бўлмаса-да, биз – бир гала шоир бола шуларнинг тўпига аралашиб, қоришиб юрардик, улар – қалдироқлару чақинлар, шамоллару ёмғирларга тўлиқ булутлар, биз – дашту далаларимиздан эндигина кўчиб келган гиёҳлар, уларга доим интиқ ва муштоқ яшардик.

Тонг титрайди кеч кузакнинг қучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ.
Жоним, қалбим шеърятнинг пичоғида...
Замин – тилсим, осмон – тилсим... шеър – бешафқат!

...Кўкка боқдим, ўт туташди жоним аро,
Қат-қат булут қатларида не сир-асор!
Ҳайрат ичра ўлдиргуси мени само,
Она замин, бир учайин, қўйиб юбор!

...Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором қучоғини –
Бу дунёни сирга қўйиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеърятнинг пичоғини!

– Ўй-ў! Ўй-ў! – дердик биз, – шеърни кўрдингми?! Мана шеър, мана шеърят!

Бу шеър бизнинг ўша – ҳажжону ҳайратларга лиммо-лиму, шеър симирғиб ўтказган кечаларимизнинг, орзу-ниятларимизнинг чин манзумасига айланган эди. Дамларимиз ширин эди, ҳаволар, олаётган нафасимизгача тотли эди, кўринмас, чексиз бир шавқу сурур бизни яшашга, “шеър-

ятнинг пичоғини қалбга санчиб” яшамоққа ундарди. Оламда эса...

Сездингми, ҳавода бир армон ҳиди,
Оламда турналар учмоқда, синглим!

Кейин “Инсонни тушуниш” деган юпқагина нафармон рангли шеърый китобча чиқди. Юпқагина бўлса-да, Талабалар шаҳарчаси адабий муҳитини ларзага келтирган китобча. Мактабдан қолган, тасаввуримиздаги шеърларни синдириб ташлаган мутлақо янги, тоза шеърлар. “Мени севинг, мендан нафратланинг”, “Инсонни тушуниш”, “Подполковник Фатеев”, “Бойчечак”, “Параллел чизиклар”, “Сен йўқ эдинг...”, “Бойсун ҳақида ғамгин баллада...”. Бу шеърларнинг ҳаммасини биз ёд билардик, ёд айтиб юрардик. Кўнглимизнинг, руҳимизнинг оқ ёмғирларига айланиб қолди, бу шеърлар. Дилимизда уйғонаётган илк дарду оғриқларимизга шаърий жавоблар эди.

Опа, Ватан – улғу дард,
Опа, Ватан боғ бўлсин!
Шеърда суратин чизсам,
Тўрт мучаси соғ бўлсин!

Кейин, муқоваси учиб бораётган қизғиш рангли тулпорлар расми ила безанган “Чироқлар ўчмаган кеча” номли юпқагина насрий китобча чиқди. Талабалар шаҳарчаси ётоқхоналарида, “журфак”у “филфак”да гап-сўз бўлган, қанча кечаларимизни завқу шавққа тўлдирган, ажиб ҳаяжонлар бахш этган гўзал, тоза ҳикоялар. Димоғимиздан болаликнинг ислари ҳали кетмаган бўлса-да, “Шайтончалар кўчаси”ни ўқиб кўнглиларимиз тўлган, биздан кетмоғи муқаррар бир тиниқ, беғубор оламнинг соғинчу орзиқишларидан кўзларимизда ёшлар айланган.

“Салом, эй соғинтирган ардоқли оҳанглар! Салом, эй унутилган ҳислар, орзу-хаёлар! Қандоқ тотли, қандоқ дилбар, қандоқ оромиконсиз! Шунача маҳал қайда эдингиз?... Салом, кенг осмон! Мунча беғуборсан, мунча порлоқсан! Бағрим ҳозир сенинг беғуборлигингга, порлоқлигингга, рангин наволарингга лиммо-лим... Сизни шарафлайман, ҳаёт-бахш оҳанглар! Салом, соғинтирганларим!”

Кейин... шаҳарчамизни арининг усидай тўзғитган, “журфак”, “филфак”лардан ўтиб, “физфак”, “биофак”, “геофак”, хуллас шаҳарчада нимаики “фак” бўлса, ҳаммасида бирдай шов-шув қўзғатган “Отойининг туғилган йили” қисаси чиқди. Бўлди байрам, бўлди овоза! “Гулистон” журналининг қисса давомли қилиб босилган икки-уч сони талабалару домлалар орасида қўлма-қўл бўлиб, тўзиб, титилиб кетганди. Ҳамма талабаларнинг оғзида шу қисса. Ўша кунлар ёшлар орасида оммавий тарзда ўқилган ёлғиз насрий асар “Отойининг туғилган йили” эди. Лоф эмас, бор гап бу.

Бу шеърлар, бу қисса ва ҳикоялар бизни маълум маънода улғайтирдилар, қалбимизни, руҳимизни тарбияладилар, маълум маънода бизнинг ҳам йўлимизни белгилаб бердилар.

Бир кеча... улар – бир тўп, биз – икки шоир бола – қалдироқлару чақинлар орасидаги ёмғир тоалари янглиғ уларга қўшилиб автобусимди, “УАЗик”миди чиқиб олдиғу кетдик. Ҳайдовчи ҳайрон, булар сархуш ва сармаст, “Истаган томонингизга ҳайданг!”, дебон бор овозда, бир овозда ашулани бошлашди-кў!

Шифойи васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.
Лабин сиррин гелуб гуфтора бандан ўзганд сўрма,
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Ҳайдовчи ҳам бу ажабтовур йўловчиларнинг ҳолатини тушуниб шекилли, қулиб, мазза қилиб ҳайдади, ҳайдайверди. Шаҳар уйқуда, мошин тўла далли-девоналару қўшиқ, қанча йўллару қанча бекатлар бир ажиб бедорликнинг, ғаройиб бир саргаштиликнинг гувоҳи бўлди ўша кеча. Қўшиқ тобора авжга чиқарди:

Гўзи ёшлуларин ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

“Ғамингда шаъмтак ёндим”... дейилганда ҳаммалари бир қалқишди, бир қалқишди-ей! “Муҳаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди ғофил” дея авжини олишганда оламга ёнғин кетгандай бўлди, бу кайфият ҳайдовчига ҳам охир-оқибат таъсир ўтказди шекилли, у бирдан ғалати маъюсланиб қолди. Фузулий ҳазратларининг ғазаллари ҳам яралгандан буён бундоқ аjoyиб саргузаштни илк маротаба бошдан кечирган бўлса керак. Кейин ёмғир бошлади, ҳаммамиз мошиндан тушдик, акаларимиз уй-уйига, биз яна шалаббо бўлиб ярим кечаси ётоқхонамизга келдик. Кейин Муҳаммад Раҳмон ёзади:

Ёмғир – Вақт,
Шамол – Вақт,
Гул ҳам – Вақт,
Кирмоқдамиз бизлар ўттизга.

“Ўттиз ёш” дейилгани бизлар учун у беғубор, маъсум дамларда ниҳоятда катта, улғу бўлиб кўринган эди. 20-21 яшар ўсмирларга энг яқин акаларимизнинг ўттиз ёшни қоралаб қолгани, уларни биздан анча олислатгандай. Вақтнинг беомонлигини шафқатсизларча билдириб қўйгандай эди. Осмонларимиз ҳам сокин тортиб қолди. Талабалик туғди. Найсон булутлари янглиғ ҳар томонга тўзғиб кетдик.

“Дарс”, “Сурат парчалари”, “Иккинчи апрель”, “Баҳшиёна”, “Уйғонми азоби”, “Ғусса” китоблари, буёғи 25-30 йиллик ижодий умрининг бор дарду изтиробларини ўзида жамлаган “Сайланма” шеърлар тўплами. “Отойининг туғилган йили”, “Олам ям-яшил”, “Жавоб”, “Байрамдан бошқа кунлар” қисса ва ҳикоялар тўпламлари.

Бу китобларнинг бари жамланиб, бир шоир, бир адибнинг илк шеъру ҳикояларидан бошлаб то ҳозирга қадар адабиётимизда ўзига муносиб ном қозона олганини, ўз сўзи ва нима учун келганини, муроду муддаосини исботлай олмайдими?... Усмон Азим ва Эркин Аъзам – бир тупроқ, бир юртда ўсиб улғайган, бир дашту далаларнинг ҳавосини си-мириб катта бўлган, “Бир бўғиздан чиққан икки хил қўшиқ” – назмий ва насрий қўшиқлар.

Йилларнинг олдида алдоқлар ҳордир!
Мангулик – қалбларда ярқ этган ҳаёт.
На унвон, на шуҳрат, на мансаб бордир,
Фақат ҳаёт бордир, эй Адабиёт!

“Яхши-да, одамларнинг ўртасида нимадир бўлгани яхши – одам эканини эслатиб туради”. Раҳматли Асқад муаллим “Эркин Аъзамнинг бош ташвиши – одамларнинг маънавиятидир”, деб ёзганларида адибнинг бутун ижодига ҳам, ҳаётига ҳам сарлавҳа бўла оладиган қисқа ва лўнда таърифи айтиб кетганлар. Неча авлод болалари бу шеърят ва бу насрга ҳавас қилиб, ўқиб-ўрганиб, аллақачон шоир ва ёзувчиларга айланиб кетдилар. Абдулла акаимиз “Эллиқда одамлар қирол бўлишган” деганларидек, Усмон Азим билан Эркин Аъзам эллиқ баҳор, эллиқ ёзни яшаб, ҳақли равишда ўз сўзларининг иморатини тиклай олган шоир-ёзувчиларимиздан. Йиллари, заҳматлари-ю оқарган сочлари ўзлариники, лекин асарлари ҳаммамизники, барчаники.

Худо узок умр берсин, сихатлик берсин деймиз. Биз ўсмирлик чоғларимизни, шеъру шукуҳга ғарқ кечаларимизу оқ ёмғирларнинг севинчу шодликлари ила серфайз онларимизни қўмсаганда шу акаларимизни кўз олдимизга келтирамиз, мактовини ҳам, танбеҳини ҳам аямаган, йўл-йўриқ кўрсатган, таъна-дашномлари ҳам бизни яхшиликларга йўналтирган шу дилдошларнинг китобларини varaқлаймиз. Ва “Яшасин ёмғирлар!” деймиз. “Яшасин яхшиликларга сарф бўлган йиллар!”, деймиз. Зотан, ёмғирлар ҳаммаша мусаффолиғу тиниқлик, севинчу сафолар келтиргусидир!

СУРХОН СОҒИНЧИ

Эркин Аъзамга

Ҳаводаги живир-живир тўрғайлар
Яна минг йил шу алфозда тургайлар.
Кўнглим бўлиб алар сени кўргайлар,
Юлдуз учса бунда куйган курагим,
Сурхон десам, зирқирайди юрагим.

Дараларда синиб ётган чақинлар
Охир мени айлагайлар оқинлар.
Чўққилари кипригимдай яқинлар
Шовуллаган маъюс толим, терагим,
Сурхон десам, зирқирайди юрагим.

Қолмиш бунда Искандардан бир кўприк,
Ёлғиз кўприк, тарих аро сир кўприк.
Бу дунёда жаҳонгир ҳам бир киприк,
Сенсан менинг бу оламда дарагим,
Сурхон десам, зирқирайди юрагим.

Осмонингдан дилга либос ёпганман,
Сўқмоғингда куёшинг-ла чопганман,
Кийикларнинг кўзларидан ўпганман,
Ўзинг синглим, ўзинг нозли малагим,
Сурхон десам, зирқирайди юрагим.

Сахро тоғлар шамолида ухлайди,
Бешикларинг хаёлида ухлайди.
Ўғлонларинг от ёлида ухлайди,
Чинорларинг полвонларим, тирагим,
Сурхон десам, зирқирайди юрагим.

Ўчоқлардан ўрлаб чиққан тутунлар
Онам бўлиб доим мени кутганлар,
Бағринг бўлсин сенинг доим бутунлар,
Йўқса менинг надир шеърим, керагим?
Сурхон десам, зирқирайди юрагим.

2000

1994

О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси жамоаси фракция аъзоси
Юлдузой Мамадиёровага акаси
Акрам Мамадиёровнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХҲЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasini
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 845
Адади: 5108
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20.40

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ